

12-1-2018

## THE ISSUES OF URBANIZATIONS IN THE CONDITION OF GLOBALIZATION

D. Begimov

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Begimov, D. (2018) "THE ISSUES OF URBANIZATIONS IN THE CONDITION OF GLOBALIZATION," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 9.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА УРБАНИЗАЦИЯ МАСАЛАСИ**

Мақолада глобализация шароитида урбанизация омилларини баҳолашнинг методологик муаммолари таҳлил қилинган. Неоклассик иқтисодий парадигма доирасидаги тамойиллардан фарқли равишда, муаллиф шаҳарларнинг ўсиш чегараларини аниқлаш муаммоси ечимининг бир неча вариантларини таклиф қилган. Асосий эътибор глобализация жараёнининг мегаполислар шаклланишидаги ролига қаратилган, замонавий шаҳарнинг тармоқли трансчегаравий алоқалар маркази сифатидаги аҳамияти асосланган.

**Калит сўзлар:** глобализация, урбанизация, шаҳарларнинг ўсиш чегаралари, глобал шаҳарлар, тармоқли тузилмалар, периферия, урбосфера.

В статье анализируются методологические проблемы оценки факторов урбанизации в условиях глобализации. Отталкиваясь от методов и принципов, устоявшихся в рамках неоклассической экономической парадигмы, автор предлагает варианты решения проблемы определения пределов роста городов. Акцентируется внимание на особой роли процесса глобализации в формировании мегаполисов, аргументируется значимость современного города как фокуса сетевых трансграничных взаимодействий.

**Ключевые слова:** глобализация, урбанизация, пределы роста городов, глобальные города, сетевые структуры, периферия, урбосфера.

The article discusses methodological issues of assessing factors of urbanization in the context of globalization. Proceeding from the methods and principles maintained within the framework of neoclassical economic paradigm, the author suggests the ways for define the limits of urban growth. The author emphasizes the peculiar role of globalization in the formation of mega cities as well as the significance of modern city as a nodal network of cross-border interactions.

**Key words:** globalization, urbanization, the limits of cities' growth, global cities, nodal and network patterns, cross-border networked interactions

### **Кириш**

Урбанизация жараёни минтақалар, мамлакатлар ва дунё ҳамжамиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Барча ишлаб чиқариш омилларини ўзида мужассамлаштириш хусусиятига эга бўлган шаҳарларда юқори иқтисодий ўсишга эришиш имконияти катта.

Мамлакатимизда олиб борилаётган макроиқтисодий ва ташқи иқтисодий сиёсат турли манбаларга таянган ҳолда миллий иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланишини таъминлашга қаратилган. Бунда иқтисодиётни модернизациялаш, ҳалқаро иқтисодиётга интеграциялашувини таъминлаш, аҳоли учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш долзарб масаладир.

2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мақсадлари ижтимоий-иқтисодий

ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган[1]. Шу мақсад доирасида миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлаш, мамлакат ҳудудида халқаро аҳамиятга эга ўсиш кутбларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу глобализация шароитида шаҳарлар иқтисодиётининг ривожланишига хос хусусиятларни ўрганишнинг долзарб масала эканлигини исботлайди.

### **Адабиётлар таҳлили**

Глобализация жараёнининг урбосферага таъсирини ўрганишга бўлган қизиқиш ўтган асрнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб кескин ортди. Шаҳарлар қиёфасини жаҳон иқтисодиётининг ва халқаро муносабатларнинг глобаллашуви таъсирида шакллантириш ғояси биринчи бўлиб Ж.Фридман томонидан таклиф қилинган. Кейинроқ Т. Хагерstrandт “янгиликлар диффузияси” тушунчасини фанга киритди. Унга кўра, марказларда яратилган янги ғоя ва технологиялар периферияларга узатиб турилиши натижасида “марказ-периферия” муносабатлари доимо ривожланиб, кенгайиб бораверади ва бу ҳар икки томоннинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий манфаатлари учун хизмат қилади. Замонавий иқтисодчи олимлар фикрига кўра, марказларнинг шаклланиши тарихий ходиса бўлиб, у вазият таъсирида ҳамда табиий-иқтисодий ва инсон омилларининг муваффақиятли бирлашуви натижасидасодир бўлади. Бу ғоя вакиллари сифатида Г. Мюрдаль, А. Хиршман, А. Гильберт, Д. Вайнштайн, Р. Фиани ва П. Кругманларни кўрсатиш мумкин. Иқтисодчи олимлар неоклассик иқтисодий парадигма доирасида сайёрамизнинг юқори урбанизациялашган минтақалари ривожланишининг агломерация ва марказ-периферия самараларини тушунтириб берувчи бир қатор моделлар яратдилар. Улар орасида О. Андерсон ва Д. Андерсонларнинг “Глобаллашган дунёнинг дарвозаси” модели, П.Тейлор раҳбарлигидаги “Глобализация ва халқаро шаҳарлар” халқаро тадқиқот гуруҳининг дунё шаҳарлари концепцияси, жаҳон хўжалигини ҳудудий ташкил этишнинг шаҳар-марказ концепцияси кабилар илмий-амалий аҳамиятига кўра алоҳида ажралиб туради.

Илмий мақоланинг ўрганиш объекти “глобал шаҳар” тушунчаси ҳисобланади. У иқтисодий таҳлилда марказий ўринни эгаллайди. “Глобал шаҳар” тушунчаси илк бор 1990-йилларнинг охирида С. Сассеннинг асарларида изоҳланган [2]. Глобал шаҳар–бу шаҳарлар архипелагининг бир элименти ҳисобланади. Шаҳарлар архипелаги – бу бутун сайёра микёсида ўзаро алоқадорликда ривожланувчи шаҳарлар тўплами бўлиб, улар жаҳондаги бизнесфаолиятининг асосий тугунларини ташкил этади, халқаро алоқаларнинг стратегик таркибини шакллантиради, ахборотлар, билимлар, инновациялар, инвестициялар ва инсон капиталининг ҳаракат йўналишларини белгилайди [3]. Бундай шаҳарларнинг табиий шаклланиши ёки сунъий равишда “ўстирилиши” иқтисодиётнинг миллий ва минтақавий даражада ривожланишида катта аҳамиятга эгадир [4].

## **Таҳлил ва натижалар**

Ҳозирги глобаллашув шароитида урбанизация жараёнининг жадаллашуви, ҳудудий ва аҳоли сони жиҳатидан шаҳарларнинг кенгайиб бориши кузатилмоқда. Бу жаҳон ҳамжамияти янги тарихий давр – глобал шаҳарлар асрига кадам қўяётганлигидан далолат беради. Бу ижтимоий-иқтисодий жараённинг муқаррар эканлигини рақамлар ёрдамида асослаш мумкин. XXI асрнинг биринчи декадаси сўнгида, иқтисодчи олимлар тадқиқотлари натижаларига кўра, жаҳоннинг энг йирик 10 та шаҳрида дунёда ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 38 фоизи яратилган (21 трлн. доллар). Энг йирик 600 та шаҳарлар агломерациясида ЯИМнинг 54 фоизи ишлаб чиқарилган (30 трлн. доллар) [5]. Бирлашган миллатлар ташкилоти берган маълумотга кўра, 2016 йилда дунё аҳолисининг 23 фоизи 512та миллионер шаҳарларда истиқомат қилган, 2030 йилга келиб эса 662та миллионер шаҳарларда дунё аҳолисининг 27 фоизи яшаши кутилмоқда [6].

Бундан ташқари, 2008 йилда дунёда глобал урбанизацион силжиш кузатилди –шаҳар аҳолиси сони қишлоқ аҳолиси сонидан ортиб кетди. Бу ҳодиса дунё ҳамжамияти томонидан аввалдан кутилган бўлиб, шаҳарларнинг дунё ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги доминантлик ҳолатини яна бир бор исботлаб ва мустаҳкамлаб беради.

Шаҳар аҳолиси сонининг ошиб бориши билан бир қаторда, замонавий урбанизацияга хос бошқа тенденциялар ҳам мавжуд. Улардан энг асосийлари сифатида шаҳарлар сонининг ўсиши, субурбанизация ва рурбанизация жараёнларининг ривожланиши, аҳолининг мегаполис, олигополис, урбанизациялашган минтақа каби йирик ва ўта йирик шаҳарлар бирлашмаларида тўпланиши кабиларни эътироф этиш мумкин. Урбанизация жараёни мураккаб тарзда ривожланаётганидан келиб чиқиб, уни таҳлил этишда янгича ёндошув ва кўрсаткичлардан фойдаланиш талаб этилади [7].

Геоурбанистика назариясига кўра, шаҳарларнинг етакчилиги ва салоҳиятини ифодаловчи аҳоли сони кўрсаткичи бугунги кунда ўз долзарблигини йўқотган. Бу кўрсаткич миллий иқтисодиётни саноатлаштириш босқичида ёки шаҳарларни бирор мамлакат миқёсида солиштиришда аҳамиятли бўлиши мумкин. Чунки айнан индустриализация босқичида ҳудудда ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучининг катта миқдорда тўпланиши талаб қилинади. Постиндустриал ривожланиш босқичида эса шаҳарларнинг демографик салоҳияти эмас, балки мамлакат миқёсидаги ва халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни аҳамиятлидир.

Демографик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хос хусусиятлардан келиб чиқиб шаҳар аҳоли пунктлари 4 та асосий категорияга ажратилади.

Биринчи категорияга стихияли ўсиб боровчи шаҳарлар агломерациялари тегишли бўлиб, уларда одатда аҳоли сони кўп бўлади. Бундай шаҳарлар аҳолисининг қашшоқлиги, ижтимоий табақаланишнинг юқорилиги, шаҳарсозлик ва санитария талабларига жавоб бермайдиган аҳоли пунктларининг мавжудлиги ва бошқа муаммолар билан ажралиб туради. Бу

категорияга Африка, Жанубий Осиё ва Лотин Америкасида жойлашган кўплаб мамлакатлардаги шаҳарлар киради. Уларга Аддес-Абеба, Дакка, Қобул, Каракас, Лима, Магадишо, Момбаса каби шаҳарларни киритиш мумкин.

Иккинчи категорияга юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эга бўлган ва аҳоли сони ҳам шунга мутаносиб равишда мувозанатли тарзда ўсиб бораётган шаҳарлар мансуб. Бундай шаҳарларга иқтисодий ривожланишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар хосдир. Бу категориянинг типик вакиллари сифатида Шарқий Осиё, Лотин Америкаси ва Яқин Шарқнинг бир қатор агломерацияларини келтириш мумкин. Улар қаторига Анқара, Дубай, Лаҳор, Мехико, Пекин, Шанхай ва бошқа шаҳарлар киради. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри ҳам ривожланишига хос хусусиятларга кўра шу категорияга мансуб.

Учинчи категория – тўлиқ шаклланиб бўлган ва қариб бораётган шаҳарлар. Бундай шаҳарларда аҳоли сонининг ўсиши ва иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари паст ёки манфий бўлади. Аҳолининг қариб бориши, уй хўжаликлари сонининг камайиши, ижтимоий кутбланиш кабилар бу категорияга хос хусусиятлардир. Бу гуруҳга Европа, Шимолий Америка, Япония, Австралия ва Янги Зеландиядаги шаҳарлар мансуб бўлиб, улар қаторига Афина, Белград, Кельн, Кливленд, Милан, Питтсбург ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу категорияга мансуб шаҳарларнинг яна бир варианты мавжудки, уларда демографик кўрсаткичлар ўсмаса-да, иқтисодий ўсиш ва шаҳарнинг халқаро майдондаги аҳамиятининг ортиши кузатилади. Франкфурт-на-Майне, Цюрих, Брюссель, Женева каби геосиёсий, иқтисодий, молиявий ва маданий марказлар шулар жумласидандир.

Тўртинчи категориядаги шаҳарларни “ўлиб бораётган шаҳарлар” деб аташ мумкин. Уларда нафақат аҳоли сони камайиш тенденциясига эга, балки қотор ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар мавжуд. АҚШнинг Детройт шаҳри бунга яққол мисол бўла олади. Буюк Британия ва Германияда ҳам бундай шаҳарлар мавжуд.

Баъзи олимлар урбанизация эволюциясига хос яна бир категорияни – ўлик (ташландик) шаҳарлар категориясини алоҳида ажратиб кўрсатадилар [8]. Австралиянинг Виттенум, Намибиянинг Колманскоп, Россиянинг Нефтегорск, Япониянинг Намиэ шаҳарлари ўз хусусиятларига кўра ушбу категория мос келади. Бу шаҳарларни аҳоли табиий ресурсларнинг тугаши ёки экологик ҳалокатлар натижасида тарк этган.

Шаҳарларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда уларни ривожлантириш моделлари аҳамиятли бўлиб, бунда асосий эътибор шаҳарларнинг ўсиш чегаралари муаммосига қаратилади.

Неоклассик иқтисодий парадигмага кўра шаҳар иқтисодиётини юқори даражада деверсификациялашган ишлаб чиқариш циклига эга корхона деб тасаввур қилиш мумкин. Бу ҳолда шаҳар-корхонанинг фойдаси унинг ялпи ишлаб чиқариш кўрсаткичларига боғлиқ бўлади, ҳаражатлар эса хомашё сарфлари ва ижтимоий сарфларда ифодаланади.

Агар  $v_{ij}$  ни  $j$  маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган  $i$ ресурснинг ҳаражатлари деб,  $s_{ij}$ ни эса маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган ресурс миқдори деб белгиласак, у ҳолда ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги шаклда бўлади[3]:

$$y_j = \sum v_{ij} s_{ij} \quad (1)$$

Шаҳарнинг умумий даромадини қуйидагича аниқлаш мумкин[3]:

$$Y = \sum p_j y_j - \sum c_i s_{ij} \quad (2)$$

Бу ерда:


$p_j$ - маҳсулотнинг бир бирлиги нархи;

$c_i$ -  $i$ ресурснинг умумий сарфи.

Иқтисодий ривожланишга эришиш учун шаҳар даромадини ( $Y$ ) максималлаштиришга интилиши лозим.

Ишлаб чиқариш омиллари нафлигининг камайиб бориш қонуни ва чекли ҳаражатларнинг ортиб бориши қонунига кўра, (2) тенгламада ресурс сарфи ҳар бирликга ортганида тайёр маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати пасайиб, ҳаражатларнинг ўсиш суръати ортади.

1-расмда ишлаб чиқариш ва ҳаражатлар эгри чизиқларининг ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва нархига боғлиқлиги тасвирланган. Штрихланган майдонда шаҳар иқтисодий фаолиятдан фойда олиши мумкин. Бу зона ишлаб чиқариш ва умумий ҳаражатлар эгри чизиқларининг кесишган нуқталари орасида жойлашган. Эгри чизиқларнинг кесишиш нуқталарининг ўнгда ва юқорида жойлашгани ҳар бир шаҳарнинг иқтисодий ўсиш чегараси мавжудлигини англатади. Чегараланиш аҳоли сонига ўсиши ва шаҳар инфраструктураси ривожланиши кўрсаткичларига ҳам тегишли.



**1-расм. Шаҳар иқтисодиёти ўсишининг назарий чегаралари модели[3].**

Математик жиҳатдан шаҳарлар ўсишининг максимал чегаралари белгиланган бўлса-да, иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишни таъминлаш йўллари мавжуд. Улардан бири эволюцион ривожланиш йўли бўлиб, бунда шаҳарнинг яширин ички ресурс салоҳиятидан фойдаланиш



жараёниоптималлаштирилади ва самарадорлиги оширилади. Иккинчи, революцион йўлда шаҳар ҳудудий ишлаб чиқариш комплексининг технологик имкониятларини оширишга, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялашга асосий эътибор қаратилади. Технологияларни ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг экзоген омили ҳисобланади. Бу омилга таяниш дунёнинг фан-техника марказлари ҳисобланган шаҳарларнинг ривожланиш суръатларининг бироз пасайишига олиб келади. Чунки улар шундоқ ҳам юқори технологиялардан фойдаланадилар ва илм-фаннинг ривожини унчалик юқори бўлмаган иқтисодий ўсишни таъминлайди. Айтиш пайтда, замонавий технологияларни импорт қилувчи ҳудудлар юқори суръатларда ривожланадилар. Учинчи усули ташқи алоқаларни ривожлантиришдир. Бу инструментдан фойдаланган ҳолда капиталга бой бўлган ривожланган шаҳарлар ўз таъсири остидаги нисбатан қоқоқ ҳудудлардан ресурсларни жалб қиладилар.

Фан-техника ривожини шаҳарнинг иқтисодий ўсиш зонасини секин-аста кенгайтириб боради(1-расм). Ҳалқаро миқёсда шаҳарлараро алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш усули янги табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурслари ёрдамида тез ва юқори суръатларда иқтисодий ўсишга эришиш имконини беради. Корхоналар шаҳардан ташқари ҳудудларда ҳам фаолият юритиб, донор-шаҳар аҳолини бошқа ҳудудларда меҳнат қилиши ҳисобидан ижтимоий инфратузилмага босимни енгиллаштиради. Бу асосий ишлаб чиқариш омили инсон ҳисобланувчи ахборот технологиялари асрида айниқса муҳимдир. Иқтисодичи олим М. Кастельснинг фикрича, ижодий ва креатив касб эгалари янги ижтимоий синфни ташкил этиб, бу синф шаҳарнинг ва мамлакатнинг ҳалқаро майдондаги ривожланиш йўналишини белгилайди [9]. Инновациялар ва янги ғоялар учун кураш шаҳарлар ўртасидаги рақобатда асосий ўрин тутди. Инсонга йўналтирилган моделга кўра, инсоннинг қаерда меҳнат қилиши эмас, қаерда яшаши муҳимроқдир[10].

Глобализация натижасида шаҳарларнинг нафақат ўз атрофидаги ҳудудлар, балки узоқ масофада жойлашган аҳоли пунктлари билан ҳам алоқаларни йўлга қўйилади. Бу алоқаларнинг миқёси ва географик кўламини кенгайтириб бораверади. Глобализация жараёни дуалистик таъсирга эга бўлиб, у бир вақтнинг ўзида иқтисодий жараёнларнинг кучли катализатори ёки ингибитори бўлиши мумкин. Ташқи таъсир каналларини фаоллаштириш йўли билан у янги ўсиш нуқталарини шакллантиради. Салбий жиҳати шундаки, шаҳарлар орасидаги иқтисодий “тенгсизлик”нинг ортиб бориши инвестициялар, технологиялар ва кадрлар учун ўзаро рақобат курашида “кучли” томоннинг яққол устунлигига олиб келади. Натижада нисбатан ривожланмаган шаҳарларнинг ресурс жалб қилиш имкониятлари янада камайиб боради. Иккинчи салбий жиҳати шундаки, интернационализация жараёни таъсирида шаҳарларнинг миллий маданий қиёфаси йўқолиб боради. Ижтимоий табақаланиш жараёнининг кучайиши, шаҳар ҳудудининг кутбланиши (аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволидан келиб чиқиб шаҳар бўйлаб табақалашган турар-жой ҳудудларининг шаклланиши) ҳамда ҳалқаро миграция

таъсирида диний ва этник мутаносибликнинг бузилиши ҳам глобализациянинг салбий самараси ҳисобланади [11].

Олиб борилган иқтисодий таҳлилларнинг натижалари шуни кўрсатадики, шаҳарлар ўсишининг ички ва ташқи омиллари орасидаги нисбат тубдан ўзгармоқда. Бугунги глобализация шароитидаэндоген омиллар, агломерация самараси ва малакатдаги ички жараёнлар марказларнинг шаклланишига таъсир этса-да, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Жаҳон миқёсида шаҳарлар ҳалқаро алоқаларни ривожлантириш натижасида шаклланиб, такомиллашиб ва таракқий этиб борадилар. Замонавий шаҳар энди шунчаки аҳоли, саноат ва хизматлар соҳаси корхоналаринимужассамлаштирган макон эмас, балки жаҳон миқёсида шаклланган марказлар тизимининг бир элиментидир. Унинг ҳақиқий салоҳияти демографик ёки иқтисодий кўрсаткичлари билан эмас, балки глобал шаҳар макони (урбосфера)га интеграциялашуви даражасининг чуқурлиги ва мустаҳкамлиги билан ўлчанади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Глобаллашув жараёнида урбанизациялашган минтақаларни ривожлантириш масалаларини тадқиқ қилиш давомида қуйидаги хулосалар шаклланди:

- ҳозирги шароитда шаҳарларнинг ўсиш чегараларини кенгайтириш имконияти эндоген жараёнлар ҳисобига эмас, балки асосан экзоген омиллар ҳисобига ошиб бормоқда;

- глобализация жараёнлари кечаётган шароитда шаҳарларнинг ҳалқаро алоқалардаги иштироки ҳамда глобал шаҳар тармоқли тузулмаларидаги ўрни улар ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда;

- бугунги кунга келиб ҳалқаро демо-иқтисодий марказларнинг ривожланаётган мамлакатларга, хусусан Осиёга қитъасидаги йирик шаҳарларга кўчиши кузатилмоқда.

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни тавсия этамиз:

- ҳалқаро миқёсда йирик шаҳарларнинг биргаликда ривожланишини таъминлашда уларнинг географик жиҳатдан яқинлигига эътибор қаратиш лозим. Бу ҳалқаро миқёсда агломерация самарасидан фойдаланиш имконини беради. Чунки, ҳудудий жиҳатдан яқин жойлашган ҳалқаро марказларда глобал шаҳар тармоғидан узокда жойлашган ёки унга сушт интеграциялашган марказлардагига нисбатан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўсиш имконияти катта бўлади;

- ҳалқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда мамлакатимиздаги йирик шаҳарлар базасида жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув йўли билан глобал шаҳарларни ташкил этиш яхши самара бериши мумкин. Йирик шаҳарлар таркибида Тошкент-сити, Самарқанд-сити каби бошқа замонавий “шаҳар ичидаги шаҳарлар”ни ташкил этиш жараёнини бутун мамлакат миқёсида жадаллаштириш фойдалидир;

- мамлакатимизнинг демографик ва иқтисодий салоҳияти юқори бўлган Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа шу каби шаҳарларида ҳалқаро ёки



минтақавий аҳамиятга эга бўлган демо-иқтисодий марказлар шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль. [Электронный ресурс]. URL: <http://lex.uz/docs/3107036>.
2. Sassen S. The Global City: New-York, London, Tokyo. Princeton : Princeton University Press, 2001. P.60-61.
3. Город в контексте глобальных процессов / под ред. И. И. Абылгазиева, И. В. Ильина, Н. А. Слукки. М. : Изд-во Моск. ун-та, 2011. С.47-48.
4. Слукка Н. А., Чубаров И. Г. Крупнейшие агломерации КНР в системе глобальных городов // Вестник Московского университета. Серия 5 «География». 2012. № 2. С.17–28.
5. Dobbs R., Smit S., Remes J., Manyika J., Roxburgh C., Restrepo A. Urban World: Mapping the Economic Power of Cities. N. p. : McKinsey Global Institute, 2011 [Электронный ресурс]. URL: [http://www.mckinsey.com/mgi/publications/urban\\_world/pdfs/MGI\\_urban\\_world\\_full\\_report.pdf](http://www.mckinsey.com/mgi/publications/urban_world/pdfs/MGI_urban_world_full_report.pdf).
6. The World’s Cities in 2016. Data Booklet. New York. United Nations, 2016 [Электронный ресурс]. URL: [http://www.un.org/en/development/desa/populations/pdf/urbanization/the\\_worlds\\_cities\\_in\\_2016\\_data\\_booklet.pdf](http://www.un.org/en/development/desa/populations/pdf/urbanization/the_worlds_cities_in_2016_data_booklet.pdf).
7. Zambon, I., Colantoni, A., Salvati, L. Horizontal vs vertical growth: Understanding latent patterns of urban expansion in large metropolitan regions // Science of The Total Environment. March 2019, Pages 778-785. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0048969718345406via%3Dihub#!>
8. Яшков И. А., Иванов А. В., Кусков А. С., Баранов В. А. «Мертвые» города в гео-экологическом и культурном пространстве (на примере Казахстана). М.: Камертон, 2010. С.28.
9. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. М.: ГУВШЭ, 2000. Стр.201.
10. Флорида Р. Креативный класс: люди, которые меняют будущее. М.: Классика-XXI, 2007. С.32.
11. Anant G. R. Trends in and Perceptions on Urbanisation // Quaestiones Geographicae. December 2011. [Электронный ресурс]. URL: <https://content.sciendo.com/view/journals/quageo/30/4/article-p21.xml>.